

Абу Али Ибн Сино номидаги

Бухоро вилояти ахборот – кутубхона маркази

Ўлкашунослик - ахборот сектори



МУҲАММАД НАРШАХИЙ – БУЮК ТАРИХНАВИС
ОЛИМ

(Бухоролик олим.Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий
таваллудининг 1120 йиллиги муносабати билан
библиографик кўрсатгич)

БУХОРО - 2019

Бухоро - асарлари жаҳон маданиятининг мулкига айланган файласуф ва шоирлар, олим ва илоҳийтчилар, меъмор ва ҳунарманд усталар номи билан шарафланган шахар. Муҳаммад Наршахий, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд ва шу каби бошқа кўплаб буюк олим ва мутафаккирларнинг номлари ҳар вақт Бухоронинг фахри бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

(Ислом Каримов.)

Абу Бакр Наршахий – Марказий Осиё тарихнавислигининг илк қадимий дурдоналаридан бири бўлмиш “Тарихи Бухоро” деб шуҳрат топган нодир асарнинг муаллифидир. У ўз асарини 943 – 944 йилларда араб тилида ёзган ва шу йилларда тахтга ўтирган сомонийлар давлати ҳукмдори “Амири Ҳамид”, яъни Абу Муҳаммад Нух ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний (943-954) га бағишлаган. “Бухоро тарихи”нинг ўзида ҳам бошқа тарихий манбаларда ҳам муаллифнинг ҳаёти ва фаолиятига доир бирор кенгрок маълумот учрамайди. Фақат XIII аср муаллифи Самъонийнинг “Китоб ул-ансоб” асарида унинг тўла исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шарик эканлиги ва у Бухоронинг Наршах қишлоғида 286 ҳижрий (899 мелодий) йили тавваллуд топган ва 348 (959) йили вафот этганлиги эслатиб ўтилган.

Афсуски, “Бухоро тарихи”нинг араб тилида ёзилган асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Бизгача етиб келгани – бу форс тилига таржима қилиниб, қарийб уч аср давомида бир неча бор таҳрир, қисқартириш ва қўшимчаларни бошидан кечирган нусхадир.

Асарнинг сўз бошисида айтилишича, 1129 йили асли ҳозирги Кува шаҳридан бўлган Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қубовий Наршахийнинг китобини дўстларининг илтимосига биноан араб тилидан форсийга таржима қилган ва бунда у асарнинг баъзи жойларини қисқартирган; аммо, шу билан бирга айрим қўшимчаларни ҳам киритган. Шундан ярим аср ўтгач, мазкур форсий таржима яна қайтадан таҳрир қилинган; 1178 – 1179 йиллар давомида Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар асарни иккинчи марта қисқартириб баён этган. Аммо асарни ўқир эканмиз, биз унда мазкур 1178 йилдан кейинги, то 112 йилгача бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳақида ҳам қисқача маълумотларни учратамиз. Муҳаммад ибн Зуфарнинг таҳриридан кейин ҳам бир неча номаълум кишилар ана шу форсий таржимани таҳрир қилганлар ва қўшимчалар киритганлар.

“Бухоро тарихи”нинг қўлимиздаги барча нусхалари ана шу 1120 йилгача давом эттирилган матнни ўз ичига олади. Асарнинг араб тилидаги асли бизгача етиб келмаганидек, форсий таржима ҳам кейинги таҳрирчилар орқалигина мавжуддир. Чунончи, таржимон Абу Наср Аҳмад асардаги баъзи жойларни қисқартириш билан бирга, унга катта тарихий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни киритган. Бунда у ўзидан олдинги ишончли манбалардан фойдаланган. Улардан бири IX аср муаллифи Абулҳасан

Абдуррахмон ибн Муҳаммад Нишопурийнинг “Ҳазоин-ул-улум” номли асаридир. Бундан ташқари таржимон Абу Исҳоқ Иброҳим ибн ал-Аббос ас-Сулийнинг “Ахбори Муқанна” асаридан, Абу Жаъфар Муҳаммад ат-Табарийнинг “Тарихи Табарий” асаридан қўшимчалар келтирган.

Таржимон абу Наср аҳмад ва ундан кейинги таҳрирчи, қайта ишловчилар ҳам “Тарихи Бухоро” матнига анчагина ўзгартиришлар киритган бўлсалар ҳам, аммо Наршахий номини муаллиф сифатида сақлаб қолганлар.

Наршахийнинг ўзи асарга қандай ном берганлиги маълум эмас. Шунинг учун у қўлёзма нусхаларда ва тарихий адабиётларда “Тарихи Наршахий”, “Таҳқиқ ул-вилоят”, “Ахбори Бухоро”, “Тарихи Бухоро” номлари билан юритилди. Лекин улардан энг аниқроғи ва илмий адабиётда кўпроқ ишлатиладигани “Тарихи Бухоро” дир.

Наршахийнинг бу китобида асосан Бухоро воҳасининг обод бўлиши, овчилик, балиқчилик ва деҳқончиликнинг касб этилиши, Нумижкат, Пойканд, Афсона, Варахша, Ромитон, Вардона каби қадимий қишлоқларнинг барпо бўлишидан тортиб, то Бухоро шаҳрининг қад кўтаришигача бўлган муҳим тарихий воқеалар тўғрисида ҳикоя қилинади. Китобда Марказий Осиёда араб халифалиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши, Ислом динининг тарқалиши, оташпарастлик ва у билан боғлиқ маданий ҳаётнинг инқирози, Муқанна – “Оқ кийимликлар” ҳаракати, Сомонийлар давридаги давлат идораси, маданий қурилишлар борасида турли – туман қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Бухоронинг иқтисодий – ижтимоий ва маданий ҳаётига, айниқса пул муносабатларига, хирож йиғиш тизимига оид маълумотлар бор. “Бухоро тарихи”да ер – сув муносабатлари ҳақида сўзлар экан, Наршахий қадимги заминдорларни “деҳқонлар”, яъни “қишлоқ ҳокимлари”, зироатчиларни “кашоварзлар”, яъни “ер ҳайдовчи” – “қўшимчалар”, йирик ер эгаларига қарам қишлоқ аҳолисини “кадиварлар” номлари билан атайти. VIII - X асрларда бухорода ҳунармандчилик ниҳоятда ривожланган бўлиб, ҳар бир қишлоқ ўз маҳсули билан шуҳрат топган. Масалан, Зандана қишлоғида тўқиладиган ипак ва ип матолар “занданийча” номи билан бутун Шарққа машҳур бўлган. Бухоро шаҳрининг ўзида “Байт ул-тироз” номли тўқимачилик корхонаси бўлиб, унинг маҳсулотлари Форс, Кермон, Ҳиндистон, Ироқ, Шом, Миср ва Рум каби ўлкаларга олиб борилган. Бухоро савдогарлари ниҳоятда бой табақа бўлиб, Наршахий уларни “кашкашон” деб атайти. Савдо муносабатлари кенг ёйилганлиги сабабли Бухоро шаҳрига “Маданият ут-тужжор” яъни “Савдогарлар шаҳри” деб лақаб берилган.

Китобда Бухоро воҳасини суғорувчи анҳорлар, обод қишлоқлар, работлар ва кўшқлар ҳақида маълумотлар бор. Бутун воҳа VIII - XII асрларда Кармана, Шопурком, Ҳарқонат ул – улё, Ҳарқонруд, Овхитвар, Сомжон, Байконруд, Фаровизи Улё, Коми Даймун, Арвон, Кайфур, Руди Зар каби суғориш тармоқлари орқали сув билан таъминланган. Биргина Пойканд шаҳри атрофида мингдан ортиқ работ бўлган.

Бухоро воҳасини ташқи ҳужумлардан мудофаа этиш мақсадида унинг барча деҳқончилик музофотлари бир неча юз фарсах чўзилган мудофаа

девори билан ўраб олинган. Бу девор 782 – 831 йиллавр мобайнида қуриб битказилган ва у “Кампирак” номи билан машҳур бўлган. Асарда Бухоро шахрининг тарихий типографияси тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар бор. Ўрта асрларда Бухоро аркининг “Дари Регистон” ва “Дари Ғўриён” номли икки дарвозаси бўлган. Унинг ичида подшоҳлар, амирларнинг турар жойлари бўлиб, подшоҳлик девонлари ва подшоҳлар турадиган қаср қадимдан шу ерда жойлашган. 850 йилда Бухоро янгидан девор билан ўраб олинган. Унинг етида дарвозаси бўлган. Бухоро қадим замонларда, Нумижкат, Бумискат, Фохира, Мадинат ус – суфрия, яъни “Мис шахри” номи билан аталган.

Хулоса шуки, Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китоби биргина Бухоро тарихини эмас, балки бутун Марказий Осиё тарихини ўрганиш учун қимматли тарихий асардир. Шу боис, Марказий Осиё халқларининг VIII – XII асрларга бағишланган илмий тадқиқотларда Наршахий маълумотлари ва унинг ҳаммуаллифи, таржимони ва муҳаррири Абу Наср Аҳмад Қубовийнинг кўшимчалари XIX асрданоқ кенг фойдаланиб келинмоқда, асарнинг нусхалари дунё кўлёмалари хазиналарида кўплаб учрайди. Биргина Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 20 дан ортиқ нусха мавжуд. Асарнинг форсий матни бир неча бор – 1892 йили Ч. Шефер томонидан Парижда, 1904 йили Мулло Султон томонидан Бухорода (Когон), 1939 йилда Мударрис Ризаний томонидан Техронда нашр қилинган. “Бухоро тарихи”нинг Н. Ликошин бажарган рус тилига таржимаси 1897 йили Тошкентда, Р. Фрайнинг илмий изоҳлар билан бойитилган инглизча таржимаси 1954 йилда Кембриджа, Насруллоҳ Тарозийнинг араб тилига илмий изоҳли таржимаси Мисрда чоп этилди. Бир неча кўлёмма ва нашрлар матни солиштирилиб, тафовутлар қайд этилган илмий изоҳли ўзбек тилидаги таржимаси 1966 йили А. Расулов ва А. Ўринбоевлар томонидан “Фан” нашриётида нашр этилди. “Тарихи Бухоро”нинг матнини ва маълумотларини бошқа манбалар билан қиёсий ўрганиб, ундаги маълумотларни манбашунослик ва матншунослик фани нуқтаи назаридан таҳлил этиш ишлари ҳали давом этмоқда.

Уйғониш даврининг буюк сиймоси, улкан салоҳият соҳиби Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг “Буюк тарихнавис олим”номли мазкур кўрсаткичда Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг ҳаёти, ижоди ҳақида 29 номдаги адабиётлар жамланган. Библиографик кўрсаткич кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Кўрсаткичга киритилган материаллар қуйидаги тартибда жойлаштирилган: (5) Китоблар, (15) вақтли матбуот нашрларида чоп этилган мақолалар, (9) веб ресурслардаги мақолалар кетма-кетлигига амал қилинган. Ҳар бир бўлимда манбалар хронологик тартибида жойлаштирилган. Адабиётлар хронологик чегараси 1904-2010 йиллар саналади.

Адабиётлар

Перс. язык

1. Наршахи М.

История Наршахи или Бухары. История Мулла - Заде: История Мулла - Заде./ М. Наршахи, М. Махмуд. - Бухара., 1904. - 125 - 72 с.; 22 x 13 см. - перс.

Ўзбек тилида

2. Наршахий, Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар .

Бухоро тарихи [Матн] / Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар Наршахий; мух. Х. Нуруллаев. - Тошкент: Шарқ машъали, 1993. - 126 б. - ўзб. тил. - 25000 экз.

Рус тилида

3. Наршахи, Мухаммад (Абу Бакр Мухаммад ибн Джа'фар ан-Наршахи).

Та'рих-и Бухара. История Бухары [Текст] / М. Наршахи. - Тошкент: SMI-ASIA, 2011. - 600 с.: ил. - ISBN 978-9943-17-036-0: 1040 экз.

Ўзбек тилида

4. Наршахий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. Мирий- Пархиш / таҳрир ҳайъати: А. Абдувоҳидов, А. Азизхўжаев, М. Аминов, Т. Даминов [ва бошқ.]. – Тошкент : Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 271.

5. Бухоро тарихи//История Бухары [Electronic resource]. - Электрон. текстовые дан. - Бухоро: Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти АКМ, 2010. - 191 Мб эл. опт. диск (CD-ROM): ил. - Загл. с титул. экрана. - ISBN (в конв.): 3 экз.

Ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги адабиётлар ва Вақтли матбуот нашрлари

Рус тилида

6. Бартольд, В. Абу Бакр ан - Наршахий // Туркестан в эпоху монгольского нашествия . – Москва, 1963. - С. 59 - 476.

7. Бартольд, Василий Владимирович (Академик).

Сочинения [Электронный ресурс]: Том 1: Туркестан в эпоху монгольского нашествия/ В.В. Бартольд. - Электрон. текстовые дан. - Бухара: ИБЦ Бухарской обл., 2009. - 62,5 Мб. с. - Загл. с этикетки диска. - Электрон. версия печ. публикации . - ISBN (в конв.)

8. Наршахи // Советская историческая энциклопедия Том - 9. - Москва: 1966. - С. 2-3.

9.Нуруллаев, А. История "Истории Бухары": [О судьбе книги Абу Бакр Мухаммада ибн Джафара Наршахи "История Бухары".] // Сов. Бухара. - 1990. - 6 февр.

Ўзбек тилида

10.Тохирхўжа, Абу Самарқандий . Мухаррирдан //Самария [Матн]: тарихий эссе/ А. С. Тохирхўжа. - Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 84-87.

11.Тохирхожа, А. Бухорода қозилик қилган кишилар ҳақида: [Абу Бакр ан – Наршахий] / А. Тохирхожа //Самария. - Тошкент, 1991. - Б.84 - 87.

12. Умаров,Я. Юртдошимизнинг шох асари : [Наршахийнинг "Бухоро тарихи" китоби тўғрисида] / Я. Умаров // Ленин йўли. - 1991 . - 7 сент.

Рус тилида

13.Силин,П. Мухаммад Наршахи: [О жизни, книге "История Бухары".] // Бирлик - Единство. - 1998.-14 апр.

14.Сафаров,О. Абу Бакр ан – Наршахий: [шеър] / О. Сафаров // Бухорийлар ёхуд ўн икки юлдуз ҳақида кўшиқ. – Бухоро нашриёти:Бухоро, 1999. - Б.17.

15.Абу Бакр Наршахий // Маънавият юлдузлари [Матн]: Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар/ масъул мух. М. Хайруллаев. - Тўлдирилган кайта нашр. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. – Б. 81-84.

16.Наршахий: // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. Солнома-Тўйтепа / таҳрир ҳайъати: А. Азизхўжаев, М. Аминов, Т. Даминов [ва бошқ.]. – Тошкент : Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 272-273.

17.Ўринбоев А. Абу Бакр Наршахий : [Наршахий ҳаёти ва фаолияти] // Вухоро mavjlari . 2009. - №3. – Б. 10-12.

18.Каримов Г. Улуғ муаррих: (Хикоя) : [Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар Наршахий таваллуд айёмининг 1110 йиллигига бағишланади] // Вухоро mavjlari.- 2009. - №3. - Б.15-18.

19. “Бухоро тарихи” китобидан : [Бухоро турли номлари баёни.Аркнинг бино этилиши ҳақида] // Вухоро mavjlari. - 2009. - №3. - Б. 11- 14.

20.Ражабов К. Наршахий нашъу намо топган маскан: [Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар Наршахий таваллуд айёмининг 1110 йиллигига бағишланади] // Вухоро mavjlari. - 2009. - №3. – Б. 19.

Веб сайтларда

21. www.sattor.com/russian
22. <http://drevlit.ru/texts/n/narshahi2.php>
23. <http://www.vostlit.info/>
24. <http://www.kodges.ru/>
25. <https://www.twirpx.com/>
26. <https://www.academia.edu/>
27. <https://ru.wikipedia.org/>
28. <http://aread.megaurist.ru/>
29. <http://history-library.com/>

Тузувчи: Ҳамроева И.
Мухаррир: Исматова М